

**ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ
ЛЕГАЛЛАШТИРИШНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ
ТЕКШИРУВЛАРНИНГ ЎРНИ**

Қудратиллаев Хазратали Зокиржон ўғли,

Тошкент давлат юридик университет

Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси

ўқитувчиси

e-mail: qudratillayev.xazratali@gmail.com

***Аннотация.** Мақолада жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни тергов қилишда молиявий текширувларнинг ўрни, ўни ўтказишининг ўзига хос жиҳатлари, халқаро тажриба таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада, молиявий текширув ўтказиш натижасида қандай натижаларга эришиш мумкинлиги ва уларнинг туганган ўрни ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:** молиявий текширув, легаллаштириш, тергов, жиноят иши, молиявий разведка.*

**РОЛЬ ФИНАНСОВЫХ РАССЛЕДОВАНИЙ В ОТМЫВАНИИ
ДОХОДОВ ОТ ПРЕСТУПНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

Қудратиллаев Хазратали Закиржон угли

Ташкентский государственный юридический университет

Кафедра уголовно-процессуального права

учитель

Электронная почта: qudratillaev.xazratali@gmail.com

***Аннотация.** В статье анализируется роль финансовых проверок в расследовании случаев отмывания денег, особенности их проведения, международный опыт. Также в статье объясняется, каких результатов можно достичь в результате проведения финансового аудита и их роль.*

***Ключевые слова:** финансовое расследование, легализация, расследование, уголовное дело, финансовая разведка.*

**THE ROLE OF FINANCIAL INVESTIGATIONS IN THE
LAUNDERING OF THE PROCEEDS OF CRIMINAL ACTIVITIES**

Qudratillaev Hazratoli Zakirjon ugli,

Tashkent State University of Law

Teacher of Department of criminal procedural law

e-mail: qudratillayev.xazratoli@gmail.com

Abstract. *The article analyzes the role of financial audits in the investigation of money laundering, specific aspects of conducting it, and international experience. Also, the article explains what results can be achieved as a result of conducting a financial audit and their role.*

Keywords: *financial investigation, legalization, investigation, criminal case, financial intelligence.*

Молиявий текширувларни ўтказиш кўпинча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган жараён бўлиб, тадқиқот йўналишларини пухта режалаштиришни, молиявий текширувнинг якуний натижасини олиш усули ҳақида мумкин бўлган тахминларни илгари суришни, ходимларнинг сезиларли меҳнат сарфини, шунингдек молиявий текширувларни ўтказадиган шахсларни тегишли тайёрлашни талаб қилади.

Одатда, жинойт таъқиб жараёнида параллел молиявий текширувларни ўтказиш терговчининг ўзи ёки жинойт ишини юритаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг бошқа ходими томонидан амалга оширилади. Бундай ёндашув ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларга эга. Бир томондан, жинойт ишини юритаётган тергов ходими предикат жинойт ёки жинойт даромадни легаллаштириш ҳолатларидан етарлича яхши хабардор бўлиб, гумон қилинувчи ва жинойт процесси иштирокчилари билан психологик алоқа ўрнатганлиги сабабли, у баъзан иш материалларида

мавжуд бўлганидан кўра анча катта ҳажмдаги махфий маълумотларга эга бўлиши мумкин. Бундай хабардорлик ва терговга чуқурроқ киришиш унга жиноий мол-мулкнинг қаердалиги, ноқонуний даромад қонуний манбадан олинганлигини кўрсатиш мақсадида молиявий операцияларни амалга оширишнинг мумкин бўлган схемалари, гумон қилинувчининг аслида мулки бўлган мол-мулкка номинал эгалик қилувчи шахслар, гумон қилинувчининг чет элдаги юридик шахсларга тахминий эгалиги ёки маблағларни нақд пулга айлантириш ёхуд легаллаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахслар билан танишлиги ва ҳоказо тўғрисида янада аниқроқ ва ҳақиқий ҳолатларга яқинроқ бўлган иш версияларини илгари суриш имконини беради. Буларнинг барчаси тергов ходими параллел молиявий текширувларни ўтказиш масалаларида тегишли касбий тайёргарликка эга бўлган тақдирда, уларни ўтказишда ресурслар сарфини камайтириш ва ижобий натижага эришиш имконини беради.

Бироқ, бу барча ҳолларда ҳам мумкин эмас. Аъзо давлатларда тергов органлари ходимларининг сони анча юқори. Ўтказилган ўзаро баҳолашлар шуни кўрсатдики, тергов ходимларининг малакасини ошириш, одатда, умумтаълим дастурлари доирасида амалга оширилади, молиявий текширувлар масалалари эса камдан-кам ҳолларда алоҳида мавзу сифатида ажратиб кўрсатилади. Молиявий текширувларга ихтисослашиш мақсадида терговчилар ва тезкор ходимларни мақсадли тайёрлаш, қоида тариқасида, мавжуд эмас. Умуман олганда, аъзо давлатларда тергов ва тезкор ходимларнинг мавжуд сони (баъзи мамлакатларда ўн минглаб) шароитида, барча ходимларни қўшимча тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни

йиллар давом этади ва тугалланиши даргумон. Натижада, барча тергов ва тезкор ходимлар томонидан молиявий текширувларнинг ўтказилиши ижобий самара бермаслиги ва уларнинг юзаки, расмий даражада ўтказилишига олиб келиши мумкин.

ЭАГга аъзо бир қатор давлатлар фақат параллел молиявий текширувларни ўтказиш ваколатига эга бўлган алоҳида ходимларни ажратишга ёки махсус бўлинмалар ташкил этишга ҳаракат қилдилар. Бу борада Қозоғистон Республикасининг ижобий тажрибасини алоҳида таъкидлаш лозим. У ерда иккита ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасида - Молиявий мониторинг агентлигининг Иқтисодий текширув хизмати ва Коррупцияга қарши курашиш агентлигида фақат параллел молиявий текширувларни ўтказиш ваколатига эга бўлган ихтисослаштирилган бўлинмалар ташкил этилган. Ушбу бўлинмалар ходимлари идоравий тергов-тезкор гуруҳларига киритилиб, жинойий даромадни легаллаштириш ҳолатларини аниқлаш, олинган жинойий даромад миқдорини белгилаш, мусодара қилишни таъминлаш мақсадида мол-мулкнинг турган жойини аниқлаш ва уни хатлаш, шунингдек жинойятнинг молиявий жиҳатларини текшириш билан боғлиқ бошқа тергов ҳаракатларини амалга оширади.

Бундай ёндашув молиявий текширувларни ўтказишнинг ўзига хос соҳасида ходимларни тайёрлаш харажатларини оптималлаштириш, уларнинг капитал ҳаракатининг мураккаб схемаларини, молиявий операцияларни амалга оширишни, шунингдек, предикат иқтисодий, коррупциявий жинойятлар ва жинойий даромадни легаллаштиришни содир этишнинг яширин ёки чалкаш схемаларини таҳлил қилиш ва аниқлаш қобилиятига

ихтисослашувини таъминлаш имконини беради. Бундай ходимлар жиноят иши бўйича бошқа далилларни тўплаш ва процессуал расмийлаштириш бўйича одатий ишлардан, шунингдек жиноят-процессуал қонунда назарда тутилган жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал мақомини расмийлаштириш билан боғлиқ бошқа расмийлаштиришлар бажарилишидан овоз келинганлиги, уларнинг жиноят процессида иштирок этиш ва ҳимояланиш ҳуқуқи таъминланганлигини инобатга олиб, параллел молиявий текширувлар билан шуғулланувчи тергов ва тезкор ходимлар уларни сифат жиҳатидан юқори даражада ўтказишга қодир. Предикат жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш масалалари билан шуғулланадиган ходимлар сони кўп бўлган мамлакатлар учун бундай ёндашув янада муваффақиятли бўлади.

Предикат жиноятлар бўйича ишни судга қадар юритиш жараёнида параллел молиявий текширув ўтказилишини таъминлашнинг бошқа усули суриштирув ёхуд тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга уларни ўтказишни топшириш бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, жиноят аломатларини дастлабки аниқлашда иштирок этган бундай органлар ходимлари дастлабки терговни амалга оширувчи орган ёки суднинг топшириғига биноан параллел молиявий текширув ўтказиши мумкин. ЭАГга аъзо бир қатор давлатларда молиявий текширувларни ўтказишнинг бундай механизми етарли даражада кенг тарқалган. У параллел молиявий текширувни ўтказишда жиноий таъқиб органлари учун мавжуд бўлган воситалар билан ҳам ахборот олиш имкониятини бирлаштиришга имкон беради, чунки терговчи топшириғини бажараётган шахс зарур тергов ва процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли, шунингдек, баъзи

холларда муҳим маълумотларни олишнинг самарали усули бўлган тезкор-қидирув фаолияти усуллари ва воситалари билан ҳам.

Аммо, амалиёт шуни кўрсатадики, бундай механизм ҳам, жумладан юқорида таърифланган камчиликлардан холи эмас. Аввало, параллел молиявий тергов сифатининг етарли эмаслиги тезкор ходимлар ва суриштирув органларига сезиларли юклама тушиши билан боғлиқ. Кўп ҳолларда топшириқ асосида молиявий тергов ўтказиш уларнинг бевосита вазифаларига кирмайди ва асосий функциялари билан биргаликда бажарилади. Шу билан бирга, аъзо давлатларда тезкор ходимлар ва терговчиларнинг иш ҳажми анча юқори. Натижада, молиявий тергов ўтказиш ходимнинг ўзи томонидан ҳам, раҳбарият томонидан ҳам устувор вазифа сифатида баҳоланмайди, чунки уларнинг фаолияти бошқа мезонлар ва натижалар асосида баҳоланади. Иккинчидан, жиноят процессидаги процессуал ҳаракатлар ва тезкор-қидирув тадбирлари турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлиб, маълумотларни тўплаш ва мустаҳкамлаш усуллари жиҳатидан сезиларли фарқ қилади. Юқорида таъкидланганидек, тезкор-қидирув тадбирлари махфий фаолият ҳисобланади ва жиноят иши бўйича далилларни процессуал мустаҳкамлаш ва баҳолашдаги каби кенг кўламли расмийчиликларни талаб этмайди. Шу сабабли, жиноят қидирув органи ёки суд топшириғига кўра параллел молиявий тергов ўтказиш жиноят-процессуал қонунини бузиш билан кечиши мумкин. Бу эса олинган далиллар ва маълумотларнинг номақбул деб топилишига ҳамда улардан айблов қўйиш ва ҳукм чиқаришда фойдаланиш имкониятининг йўқолишига олиб келиши мумкин.

Параллел молиявий текширувлар ўтказишда қўлланиладиган текширув ҳаракатларининг турлари, одатда, жиноят-процессуал қонунида жиноят ишини юритиш учун кўзда тутилган жиноий таъқиб органларида мавжуд асосий воситалар билан кўпроқ мос келади. Кўп ҳолларда параллел молиявий текширувлар жиноий таъқиб органи топшириқлари асосида амалга оширилишини ҳисобга олсак, бундай текширувлар натижалари аслида дастлабки терговнинг бир қисми ҳисобланади. Шунга кўра, уларга жиноят-процессуал қонунининг барча талаблари қўлланилади. Бундай ҳаракатларга қуйидагиларни киритиш мумкин: тушунтиришлар олиш ва шахсларни сўроқ қилиш, ҳодиса содир бўлган жойни, ҳудудни, биноларни ёки транспорт воситаларини кўздан кечириш, буюмлар ва ҳужжатларни текшириш, маълумот олиш учун сўровлар юбориш, олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш, қиёсий тадқиқотлар учун намуналар олиш, экспертиза, ҳужжатли текширув, тафтиш натижалари ва мутахассисларнинг хулосаларини олиш, декларацияларни (солиқ, мулк, божхона ва бошқалар) талаб қилиш, электрон маълумотлар банкларидан маълумотлар олиш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ва бошқалар. Мазкур тадбирларни ўтказиш барча параллел молиявий текширувлар учун умумий ҳисобланади.

Бироқ параллел молиявий текширувларнинг имкониятлари жиноий таъқиб органларининг ваколатларидан анча кенг. Параллел молиявий текширувлар ўтказишнинг шубҳасиз афзаллиги шундаки, уларни амалга оширувчи органлар умумий фойдаланишдаги механизмлар билан бир қаторда, ўзларининг давлат органлари орасидаги мақоми ва уларга берилган махсус ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар туфайли фақат ўзларига хос ҳаракатларни

хам қўллаши мумкин. Масалан, агар ФЖРга параллел молиявий текширув ўтказиш топширилса, у молиявий оқимларни кузатишга қаратилган таҳлилий ҳаракатларни амалга ошириши, хорижий ФЖРлардан маълумот олиши, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун мавжуд бўлмаган давлат ичидаги маълумотларга эга бўлиши мумкин. Параллел молиявий текширувларни амалга оширувчи айрим органларга молиявий ахборотни янада тезроқ ва алоҳида тартибда олиш имконияти, шунингдек, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш, коррупцияга қарши курашиш, терроризм ва бошқалар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида операциялар ва мол-мулк билан боғлиқ битимларни музлатиш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Баъзи ҳолларда параллел молиявий текширувни олиб боровчи органлар томонидан маълумот олиш тартиби жиноят-процессуал қонунда кўзда тутилганидан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин, масалан, рухсат олишни талаб қилмаслиги мумкин. Бундай вазиятда икки хил ҳуқуқий тартиботнинг тўқнашуви юзага келади, бироқ уларнинг иккаласи ҳам қонунчиликда назарда тутилган ва қонунбузарлик ҳисобланмайди. Кўпинча, жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиб анча қаттиқроқ бўлиб, жиноят жараёни олиб борилаётган шахс ҳуқуқларига риоя этилиши кафолатларини таъминлашни талаб этади. Параллел тергов давомида маълумот олиш усулини танлашда маълумотни тезкор олиш мақсадларидан ва ундан кейинчалик жиноят жараёнида фойдаланиш имкониятидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Агар жиноят-процессуал қонун бошқа қонун ҳужжатлари доирасида олинган бўлса-да, лекин жиноят-процессуал қонунда

белгиланган тартибни бузган ҳолда олинган маълумотлардан фойдаланишни тақиқласа, параллел терговни амалга оширувчи органларга маълумот йиғишнинг бошқа усулларида фойдаланиш мумкин эмас, чунки бу суд томонидан бундай маълумотларни номақбул деб топилишига ва натижада улардан исботлаш жараёнида фойдаланилмаслигига олиб келади. Акс ҳолда, маълумотларни олишнинг қайси тартиби тезроқ ва тўлиқроқ бўлишини баҳолаш лозим. Шунинг ҳисобга олиш керакки, жиноят-процессуал қонунда назарда тутилган тартибда маълумот олишда бундай маълумотлар, одатда, қўшимча расмийлаштиришни ва текширишни талаб қилмайди (масалан, ҳужжатларни кўздан кечириш, банк сири тўғрисидаги маълумотларни олиш, шахсларни сўроқ қилиш баённомалари ва бошқалар) ва ўз-ўзидан жиноят жараёнида далил ҳисобланади. Параллел молиявий текширувларни (шу жумладан, молиявий разведка бўлими томонидан) ўтказувчи органлар томонидан ўзига хос ваколатлардан фойдаланиш натижасида олинган маълумотлар эса уларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан текшириш ва баҳолашни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Конвенция об отмывании, выявлении, изъятии и конфискации доходов от преступной деятельности ETS N 141 (Страсбург, 8 ноября 1990 г.). <https://base.garant.ru/2541079/>.
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияси. 1988 й.

3. Конвенция Организации Объединенных Наций против Транснациональной организованной преступности. Нью-Йорк, 15 ноября 2000 года. // (Сборник международных договоров Республики Узбекистан, 2004 г., № 1).

4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси. Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь. (Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2008 й., 3-4-сон).

5. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 29.07.2005 йилдаги 1617 (2005)-сон резолюцияси. // <https://eurasiangroup.org/ru/un-security-council-resolutions>.

6. Рекомендации ФАТФ: Международные стандарты по противодействию отмыванию денег, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения., 2012 год февраль., МУМЦФМ., 2012.

7. ФАТФ. Отмывание денег в рамках торговых операций. Тенденции и изменения. Декабрь 2020.

https://eurasiangroup.org/files/uploads/files/other_docs/FATF%20docs/Trade-Based-Money-Laundering-Trends-and-Developments_rus.pdf.7.

8. Руководство ФАТФ по финансовым расследованиям: оперативные вопросы., Июнь 2012 г., Париж.

9. Типологические проекты ЕАГ. <https://eurasiangroup.org/ru/eag-typology-projects>.

10. «Легализация (отмывание) преступных доходов от киберпреступлений, а также финансирование терроризма за счет указанной преступной деятельности, в том числе с использованием электронных денег

или виртуальных активов и инфраструктуры их провайдеров». Типологический проект ЕАГ. 2022.

[https://eurasiangroup.org/files/uploads/files/other_docs/WGTYP_\(2022\)_1_2_rev_1_rus.pdf](https://eurasiangroup.org/files/uploads/files/other_docs/WGTYP_(2022)_1_2_rev_1_rus.pdf).